

Аналитик механика. Динамикинг умумий тenglamasi

Аналитик механика – механик системанинг ҳаракат дифференциал тенгламалари ва траекторияси түғрисидаги билимлар мажмуаси бўлиб, қаралаётган системанинг ҳаракатини тўла аниқлаш имконини берувчи механиканинг бир бўлимиdir.

Боғланишлар – нуқта ёки механик системанинг фазодаги ўрни ёки ҳолатини чекловчи сабаблардир.


Боғланишлар жисманинг ҳаракати ва ҳолатига қўйилган уларнинг координаталари, тезликлари, тезланишлари ва вақтга боғлигини ифодаловчи математик тенгламалар системасидан иборат бўлади.

Боғланишлар классификацияси

Боғланишлар – нуқта ёки механик системанинг фазодаги үрни ёки ҳолатини чекловчи сабаблардир.


- ✓ Стационар
- ✓ Геометрик
- ✓ Интегралланадиган
- ✓ Голоном
- ✓ Ностационар
- ✓ Кинематик (дифференциал)
- ✓ Интегралланмайдиган
- ✓ Ноголоном

Стационар




Бўшатилмайдиган

Системанинг ҳар қандай
харакатида ўз ҳолатини
ўзгартирумайдиган
боғланишлар





Ностационар



Бўшатиладиган

Системани ушбу боғланишда
осон бўшатиш ёки эркин
ҳолатга келтириш мумкин



Агар N та нүктадан ташкил топган системага фазода m та голоном боғланишлар қўйилган бўлса, уларнинг декарт координаталари қўйидагича ифодаланади:

$$x_1 = x_1(q_1, q_2, \dots, q_n, t);$$

$$x_2 = x_2(q_1, q_2, \dots, q_n, t);$$


$$\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots;$$

$$x_{3N} = x_1(q_1, q_2, \dots, q_n, t).$$

Умумлашган
координаталар сони
 $n = 3N - m$.

Масалан, стерженning исталган нуқтасининг ҳолати (масалан A нуқта учун) битта катталиқ – бурчак α орқали аниқланади. Ушбу бурчак стержен учун умумлашган координата ($q = \alpha$) ҳисобланади. Эркинлик даражаси $n = 1$.

A нуқта учун тенгламалар қуидаги кўринишда бўлади:



$$x^2 + y^2 = l^2$$

$$x_A = l \cos \alpha; \\ y_A = l \sin \alpha$$

Системанинг мумкин бўлган кўчиши

Боғланишларнинг таъсири

1. Реакция кучлар ҳосил бўлиши.
2. Мумкин бўлган кўчиш - система нуқталарининг берилган онда тасаввур қилинадиган чексиз кичик силжиши.

Мумкин бўлган кўчишлар вақтнинг қайд қилинган онида содир бўлади деб қаралиб, система нуқталарига таъсир этувчи кучлар ҳам умумий ҳолда вақтга боғлиқ бўлишига қарамай худди шу қайд этилган вақт учун ўзгармас деб қаралади:

$$\delta \bar{r}(\delta x, \delta y, \delta z)$$

- ✓ Кўчишлар жуда кичик элементар бўлиб, боғланишлар тузилиши ўзгармасдир.
- ✓ Боғланишнинг тузилиши унинг мумкин бўлган кўчишида ўз шаклини ўзгартирмайди.

Мумкин бўлган кўчиш – системага қўйилган боғланишни қаноатлантирган ҳолда система нуқталарининг берилган онда тасаввур қилинадиган чексиз кичик кўчишлариdir.

Ҳар қандай мумкин бўлган кўчиш сиртга ўтказилган нормалга перпендикуляр йўналади, яъни қайд қилинган вақтда нуқтанинг мумкин бўлган кўчиши сиртга ўтказилган уринма текислигига ётади.

